*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 101 (6. 590) ◉ 1988 йил 3 май, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## Дастлабки одимлар

✦ Беш йиллик учинчи йилининг иккинчи квартали ҳам ўтиб боряпти. Бу кварталда ишларнинг қай даражада муваффақиятли бориши кўп жиҳатдан биринчи кварталда, яъни йил бошида унга қандай мустаҳкам замин қўйилганига боғлиқдир. Биргина Чилонзор райони саноат корхоналарининг янгиланиш йўлидан қандай бораётганига назар ташласак, хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтган «Совпластитал», республика трикотаж моделлари уйи, 2-пойафзал фабрикаси коллективларининг дастлабки одимлари қувончли бўлди.

Уларда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планлар муваффақиятли бажарилаяпти, кўпгина коллективлар эса шартнома мажбуриятларини тўла адо этишяпти. Авваллари шартнома мажбуриятларини бажариш борасида узилишлар бўлиб турарди, янги усулда ишлашга ўтилгач, бунга кескин барҳам берилди, — деди район партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири Константин Юрьевич Давидов. — Районимиздаги «Ташметрострой» тресги коллективи ҳам янги станцияларни бунёд этишда фаол иш олиб боряпти. Юқорида номлари тилга олинган уч корхона ҳаётида янгиланиш йўлига ўтиб ишлай бошлагач, туб ўзгаришлар рўй берди. Масалан, биргина 2-пойабзал фабрикаси янги шароитга ўтгандан кейин ўз зиммасидаги ўн миллион сўмликдан зиёд қарзни узиб, фойда ола бошлади. Ўтган йили 70 га яқин бригада хўжалик ҳисобига ўтган эди, ҳозир барча цехлар янгиланиш йўлидан боряпти.

Хўжалик ҳисобига—кенг йўл

## Тажрибадан—истиқбол сари

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақада шаҳримиздаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўтган йили ажойиб ютуқни қўлга киритиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Корхона коллективининг бундай муваффақиятга эришаётгани бежиз эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири корхонада дадил иқтисодий экспериментларнинг жорий этилиши, янгиликка интилишдир.

Корхона бош инженери Виктор Григорьевич Дьяченко билан дастлабки суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, бу ерда мамлакатдаги янгиликларга «кўз-қулоқ» бўлиб туриш, янгиликларни жорий этиш йўлларини излаб топиш ва тобора мураккаб ва оғирроқ вазифаларга «қўл уриш»га интилиш яхши анъанага айланган.

Масалан, шаҳар партия комитети томонидан ўз вақтида маъқулланган қимматли бир ташаббусни олиб кўрайлик. «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Компрессор» заводи, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, ошхона ва бошқа мебеллар заводи коллективлари билан бирга ўн иккинчи беш йилликнинг ҳар бир йилида шартнома мажбуриятларига мувофиқ буюртмалар планини тўлиқ бажариш ва маҳсулот сифатини муттасил ошириб бажаришга азму қарор қилди. Натижа чакки бўлгани йўқ. «Подъёмник»чилар ўз имкониятларидан оқилона фойдаланмоқдалар.

Бундан роппа-роса тўрт йил муқаддам, яъни 1984 йилда корхонада иқтисодий эксперимент сари биринчи марта дадил қадам қўйилган эди. Ўшанда нималарга асосий эътибор қаратилди? Биринчидан, хўжалик юритиш механизмининг пойдевори бўлган хўжалик ҳисобига биринчи марта мустаҳкам асос қўйилди. Иккинчидан, мустаҳкам иқтисодий база яратилди. Бутун ишлаб чиқаришни янги усулга тайёрлаш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Ва ниҳоят учинчидан норматив ишлаб чиқилди. Агар «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига назар ташласак, корхона коллективининг ҳуқуқлари ва бурчлари нималардан иборат эканлигини яна бир бор очиқ-равшан ҳис этамиз. Аввало давлат олдидаги масъулият ва коллектив олдидаги масъулият ҳисси анча оширилганини кўрамиз. Барча цех ва бригадаларда ана шу масъулият ҳисси конкрет нималардан иборат эканлиги кенг тушунтирилди. Ҳатто шуни айтиш мумкинки, ўтган йилнинг ярми шу тушунтириш билан ўтди. Бунинг натижаси, айниқса, металл конструкциялар цехида яққол кўринди. Бу ерда янгиликни жорий этишга иштиёқ билан киришилди.

Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимагандек, ҳамма жойда ҳам бу иш силлиқ кўчавермади, қийинчиликлар ҳам бўлди.

Гапнинг тўғрисини айтганда, корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган, яъни объектив сабаблар ана шундай қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Масалан, Ленинграддаги Котляков номидаги завод бу корхонага ваъда қилган редукторларни йил бошида ўз вақтида етказиб беролмади. Таъминотдаги бу кутилмаган узилиш коллективнинг яхши режаларига соя солиб қўйди. Январь ойида ҳам, февраль ойида ҳам бу сурункали «узилиш» бутун ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришига дастлаб салбий таъсир этди. Ҳолбуки, 1987 йилни корхона ғолибона якунлаган, барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планларни муваффақиятли адо этган, ҳатто, мўлжалдагидан 0,5 миллион сўмлик кўп товар маҳсулоти етказиб берган, қисқаси, шаҳримизнинг байроқдор корхоналари сафидан ўрин олган эди. Буни таъкидлаётганимизнинг сабаби — хўжалик ҳисоби муваффақиятининг бош омили коллективнинг ўз ички имкониятларидан қанчалик омилкорлик билан фойдаланишдадир. Аммо таъминотдаги ҳар қандай узилиш тез бораётган жараёнга зарба беради.

Бунинг яна бир жиҳати бор. Мазкур корхона ўттиздан ортиқ чет эл мамлакатига, қардош социалистик мамлакатларга маҳсулот экспорт қилади. Улар орасида Куба, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар бор. Италияликлар бу завод маҳсулотларини севиб қолган. Уларни ҳатто корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнлари қизиқтиряпти, Бунинг устига корхонада маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш борасида каттагина тажриба тўпланган. Барча техникавий ҳужжатлар стандарт талаблари бўйича қайта ишлаб чиқилгани бежиз эмас. Биргина механика цехининг ўзида ўнга яқин рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар жорий этилди. Биз юқорида биргина оддий редукторлар қўлни боғлаб қўяётганини кўрдик. Уларнинг сифатига ҳозир бу ерда шунчалик катта талаблар қўйилаяптики, корхонага келиб тушган редукторларни техника назорати бўлимидан ташқари яна давлат қабули вакиллари ҳам текширишдан ўтказишяпти. Экспорт маҳсулотлари устидан, айниқса, қаттиқ назорат ўрнатилган.

Буларнинг барчаси биргина мақсадни кўзлаб қилиняпти: маҳсулот сифати қанчалик ошса, хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган коллектив аъзоларининг моддий фаровонлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Бу бир-биридан ажралмас муҳим ҳалқалардир.

**Ҳ. АБРОРОВ.**

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Илҳомбахш куч

Қайта қуриш ва жадаллаштириш программасининг ўткир ҳаётий вазифалари бутун мамлакатимиздаги сингари Тошкент автоматлаштирилган бошқариш системаларини лойиҳалаш конструкторлик бюроси коллективига ҳам илҳомбахш куч бағишлади.

Киров районининг Юнусобод массивида жойлашган бюромиз ишчи-хизматчилари эндиликда янгиланиш йўлидан дадил бораётган корхоналарнинг бирига айланган. Бу ерда ташаббускорлик ва ишга масъулиятни кундалик одатга айлантирган бўлимлар, лабораторияларнинг ходимлари ишлашади. Янги электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган заллар улар хизматида. Коллективимизда бўлган киши қайта қуриш истиқболининг чинакамига гувоҳи бўлади. Ҳа, бугунги кунда янгичасига ишлаш ҳар бир меҳнат коллективининг куч-ғайратига, ҳар бир кишининг бу жараёнда ўз ўрнини аниқ белгилаб олишига боғлиқ. Биз буни чуқур англаб етганмиз. Коллективимиз аъзолари асосан корхона ва ташкилотларнинг автоматлаштирилган бошқариш системаларини, автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларини, информацион қидирув системаларини, илмий ускуналарни лойиҳалаштириш ва тадбиқ қилиш ишлари, электрон-ҳисоблаш машиналарини халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланиш масалалари билан шуғулланадилар. Ўтган 1987 йилда Туркманистон ССРда пахта тозалаш тармоғига автоматлаштирилган бошқариш системасини жорий этдик, бу йил ана шундай ишни Чирчиқ трансформатор заводида олиб бораяпмиз. Автоматлаштирилган бошқарув системаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу йўл билан янги иқтисодий шароитда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга, сифат ва самарани таъминлашга қулай имконият яратилади. Ана шундай қулайликлар ҳозирги кунда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ва агрегат заводида ҳам юзага келаяпти. Уларнинг лойиҳаси пухта ишлаб чиқилган. Ҳадемай икки корхонага янги техника хизмат кўрсатади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилганмиз. Анжуман шарафига зарбдор ўн кунликлар ўтказаяпмиз. Яқинда навбатдаги декадага якун чиқардик. Унинг натижалари қувончли бўлди. Коллективимизда яратилаётган автоматлаштирилган бошқариш системалари машинасозлик, енгил саноат корхоналарида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида технологик жараёнларни автоматик равишда бошқаришга, янги, юқори унумли асбоб ва ускуналар яратишга, технологик жараёнларни узуликсиз такомиллаштиришга мўлжалланган. Бу жараёнларни электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқариш унумдорлигини бир неча баробар оширишга ёрдам беради. Қўл меҳнати билан бажариладиган жуда кўп жараёнлар ақлли электрон-ҳисоблаш машиналари зиммасига юкланади.

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган коллективимизда яратилган автоматлаштирилган бошқариш системаларининг янги юқори унумли асбоб-ускуналарини яратиш ва уларни ишлаб чиқариш кейинги вақтда бир неча баробар тезлаштириляпти. С. Идиатуллин, Н. Василько ва А. Грач, А. Дремджи, В. Лисняк, В. Винарский, Т. Кудретко, Р. Ким, Ю. Маҳмудов сингари тажрибали инженер лойиҳачиларимиз бу борада самарали иш олиб боришаяпти. Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса ўзимизнинг энг яхши лойиҳаларимиз билан меҳнат коллективларида қулайлик яратишдир. Тинимсиз изланиш ва янгиликлар сари интилиш бу соҳадаги ишларимизнинг муваффақиятини таъминлайди.

**М. ИКРОМОВА,**
**Тошкент автоматлаштирилган бошқариш системаларини лойиҳалаш-конструкторлик бюросининг техник ходими.**

## Муносиб совға

✦ **Ленин районининг Лоҳутий кўчасида яна бир 152 квартирали 9 қаватли турар жой биноси ишга туширилишга ҳозирлаб қўйилди.**

152 оила Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамини ўзларининг янги хонадонларида кутиб олишди. Бундай ажойиб байрам совғасини 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг Н. Мельников етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси тайёрлади.

Бу бино икки блокдан иборат бўлиб, биноларнинг иккинчи қаватидаги осма йўлак уларни бирлаштириб турибди. Бинокорлар 1 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Пардозлаш ишларини эса 2-«Отделстрой» трестининг ишчилари амалга оширишди. Турар жой биносининг ташқи пардози заводда тайёрланган гўзал хошияли панеллардан иборат бўлиб, кўчага кўркамлик бахш этиб турибди.

## Намуна кўрсатиб

**1-пардозлаш трестининг 29-қурилиш бошқармасида М. Юсупов бошчилигидаги бригада аъзолари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига муносиб совға тайёрлашга аҳд қилишган.**

Эзгу мақсад йўлида тер тўкаётган фидокорлар вақтдан самарали фойдаланиш ва имкониятларни ишга солишда жонбозлик қилмоқдалар.

Бригада 1-пардозлаш қурилиш трестининг 29-қурилиш бошқармаси бригадалариаро меҳнат беллашувида актив қатнашиб, бир неча йилдан бери фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бригадада 15 нафар бинокор меҳнат қилади. Айни кунларда Студентлар шаҳарчасида ТошДУнинг 9 қаватли 240 ўринли ётоқхонасида эшик, ромлар ҳамда шкафларни ўрнатишмоқда.

**С. МАМАЖОНОВ.**



⊙ **Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган Тошкент меҳнаткашлари вакилларининг Ўзбекистон пойтахтининг В. И. Ленин номидаги майдондаги байрам намойиши партия ва халқнинг бирлигини, совет жамиятини революцион қайта қуриш ва янгиланиш йўлини ўтказаётган партия Марказий Комитети теварагига барча меҳнаткашлар янада мустаҳкамроқ жипслашишга азму қарор берганликларини яна бир карра тасдиқлади.**

Т. Каримов фотолари.

*Об-ҳаво ва саломатлик*

3 МАЙДАН
8 МАЙГАЧА

**Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.**

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошланишида Тошкентда об-ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади, ғарб томонга эсувчи шамолнинг тезлиги секундига 15—20 метргача кучаяди. Ана шундай кунларда ҳарорат кечаси 6—11 даражагача, кундузи 15—20 даражагача пасайиши мумкин. Сўнгра ҳаво очилиб кетади. Кечалари 13—18 даража, кундузи 27—32 даража иссиқ бўлади. Ҳафта охирларига келиб яна қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ гумбурлаши мумкин. Умуман ҳафтанинг ўртача ҳарорати одатдаги нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг бошланиши ва охирида кузатиладиган об-ҳаво шароити об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга реакция бериши мумкин. Об-ҳаводаги кескин ўзгаришлар, жумладан, кислород таркибининг, атмосфера босимининг, ҳаво намлигининг ўзгариши юракнинг ишемик хасталиги, айниқса юрак уруш маромини бузилган, бош миянинг яллиғланиш ва қон томирлари, ўпка ва бўғин хасталиклари, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиги бўлган беморларнинг аҳволига салбий таъсир этиши мумкин.

Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморларга врачларнинг рухсати билан антивазоспастин препаратини қабул қилиш, ҳаракатларни ва жисмоний зўриқишларни чеклаш тавсия этилади.

## ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ: КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ АРАФАСИДА

Олий мактаб янгиликлари

Мактабларда имтиҳонлар бошланишига озгина вақт қолди. 10-синф ўқувчилари сўнгги имтиҳонларни топширадилар. Улар қаерда ўқишлари кераклигини ҳал қилиб олишлари лозим. Тошкент политехника институтининг коллективи йигит ва қизларга совет мутахассисларининг шонли инженерлари сафидан жой олиш учун ўз иқтидорлари бўйича касб танлашга ёрдам беришни муҳим вазифа деб билади.

Бу йил мамлакат олий ўқув юртларига қабул қилишнинг янги қоидалари тасдиқланди. Ариза бериш муддатлари ҳамда кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби анча ўзгартирилди. Тошкент политехника институти абитуриентларни кутиб олиш учун қандай тайёргарлик кўрмоқда? Улар олдига қандай талаблар қўйилади? Ўзбекистон ахборот агентлигининг мухбири ана шу саволлар билан институт қабул комиссиясининг масъул секретари, профессор Т. О. Отақўзиевга мурожаат қилди.

— Мамлакатимиз барча олий ўқув юртлари учун кириш имтиҳонларини ўтказишда ягона муддатлар жорий этилди. Кундуз куни ўқийдиган абитуриентлардан 25 июндан 15 июлга қадар аризалар қабул қилинади, имтиҳонлар 16 июлдан бошланади. Эндиликда олий ўқув юртига кирувчилар 5 августгача студент қилиб тасдиқланади. Қабул қилинаётган пайтда бериладиган имтиёзлар кескин қисқартирилди, конкурс синовлари асосий мезон бўлиб қолади.

Запасга бўшатилган ҳамда ҳукумат томонидан белгиланган имтиёздан фойдаланадиган ҳарбий хизматчилар, шунингдек етим болалар ҳамда ота-оналарининг қарамоғида бўлмаган болалар ижобий баҳо олган тақдирда конкурсдан ташқари институтга кирадилар. Қолган барча абитуриентлар умумий конкурсда қатнашадилар ва улар имтиҳонларда тўплаган баллар институтга киришда бирдан бир эътиборга олинадиган мезон бўлади.

Кадрлар тайёрлаш мақсадида тузилган шартномага биноан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан йўлланган шахслар конкурсдан ўтмай қолган тақдирда, агар хоҳиш билдирсалар, биринчи навбатда институтнинг тайёрлов бўлимига қабул қилинадилар. Бу сўнгги уч йил давомида запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларга, тиббий меҳнат экспертлар комиссияларининг хулосаларига кўра, олий ўқув юртларида ўқиши мумкин бўлган биринчи ва иккинчи группа инвалидларига ҳам тааллуқлидир.

Тошкент политехника институтига киришни хоҳловчи йигит ва қизлар ўрта умумтаълим мактаб программаси бўйича учта кириш имтиҳонини топширадилар. Ана шу имтиҳонларнинг иккитаси асосий фан ҳисобланиб, конкурсга кўра, беш балли система билан баҳоланади ва конкурсдан ташқари рус ёки ўзбек тили ва адабиётидан имтиҳон топширилади. Бу имтиҳон синов тариқасида «қониқарли» ёки «қониқарсиз» деб баҳоланади. Танланган мутахассисликка кўра, математика, физика, химия, расм фанларидан конкурс имтиҳонлари топширилади.

**— Мактабни медаль билан битирган йигит ва қизларга қандай имтиёзлар берилади?**

— Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан битирган, шунингдек ўрта махсус билим юртини ёки ҳунар-техника билим юртини аъло баҳода битириб, диплом олган ёшлар, худди авваллгидек, қабул комиссияси томонидан белгиланган қоидага кўра битта имтиҳон топширадилар.

**— КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми олий мактаб олдига олий ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш вазифаларини қўйди. Бу проблемаларни ҳал этиш учун Тошкент политехника институтида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Шу вақтгача ихтирочиликка, илмий изланишга мойил истеъдодли ёшларни олий ўқув юртига кўпроқ қабул қилиш ҳақида кам ғамхўрлик қилганимиз сир эмас. Мактаблар, техника ижодиёти тўгараклари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаган эди. Бугунги кунда институтлар ана шундай доимий алоқа ўрнатмай ўз студентини қидириб топиши амримаҳол. Ёшлар ўртасида касб танлаш соҳасида планли равишда иш олиб бориш зарур. Бу борада ҳозир кўпгина ишлар қилинмоқда.

Бу ўқув йилида институтимиз 14 та факультетининг вакиллари «ТошПИ кунлари»ни ўтказиш учун Қорақалпоғистон АССР ҳамда Ўзбекистондаги барча областларга бордилар. «ТошПИ кунлари»да мактаб ўқувчилари катта қизиқиш билан иштирок этдилар: асосий фанлар бўйича ўқитувчиларнинг саволларига жавоб бердилар, кириш имтиҳонлари программаси асосида контрол ишлар ёздилар, физика, химия, математика фанлари олимпиадалари ва конкурсларида қатнашдилар. Алоҳида ўрнак кўрсатган болалар институт ёрлиқлари билан тақдирландилар. Институтга қабул қилишда ана шу ёрлиқлар эътиборга олинади.

Ҳозир Тошкентда ҳам, айниқса математика ва физика йўналишидаги мактабларда шундай ишлар олиб борилмоқда. Институт ўқитувчилари махсус тадқиқотлар ўтказдилар. Бу тадқиқотларга мактабларни битирувчи 2000 нафар йигит ва қиз жалб этилди. Уларга имтиҳонларда тушиши мумкин бўлган топшириқлар берилди, сўнг уларнинг техника олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик даражаси аниқланди, ҳар бир ўқувчига зарур тавсиялар берилди.

Биз олий ўқув юртининг мактаб билан алоқаси доимий бўлиши керак, деган хулосага келдик. Шу сабабли сентябрь ойидан бошлаб, мактабларда факультатив машғулотлар ўтказишга қарор қилдик. Бу машғулотларни бутун ўқув йили давомида етакчи профессорлар ва ўқитувчиларимиз олиб боришади. Областларда ана шундай сиртқи факультатив дарслар ташкил этиш ниятидамиз. Ҳозирча ҳар якшанба кунлари ўқитувчиларимиз институт аудиторияларида мактабларни битирувчи ёшларга улар ўқиётган фанларнинг энг муҳим қисмлари юзасидан лекциялар ўқимоқдалар, консультациялар ўтказмоқдалар.

Ўқувчиларга касб танлашда ёрдам бериш борасида изланишлар давом этмоқда. Биз олий ўқув юрти ва мактаб таълими системасининг мустаҳкам ҳамдўстлиги Тошкент политехника институтига инженерлик ишига лаёқати бўлган студентларнинг бутун отрядини жалб этишга, халқ хўжалигига ҳақиқий малакали мутахассислар тайёрлашга ёрдам беришига ишонамиз.

(ЎзТАГ).

